ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.29.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАНКЕЛДИЕВА ХУРМАТХОН КАМЧИЕВНА

БРОНХИАЛ АСТМА БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА ВЕГЕТАТИВ ВА ТИРЕОИД СТАТУСЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

УЎК: 616.248+616.441-002-053

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ханкелдиева Хурматхон Камчиевна
Бронхиал астма билан касалланган болаларда вегетатив ва тиреоид статусларнинг хусусиятлари 3

Ханкелдиева Хурматхон Камчиевна
Особенности вегетативного и тиреоидного статуса у детей с бронхиальной астмой..... 25

Khankeldieva Khurmatkhon Kamchievna
Features of vegetative and thyroid status in children with bronchial astma ... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….....….....…… 49

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.29.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАНКЕЛДИЕВА ХУРМАТХОН КАМЧИЕВНА

БРОНХИАЛ АСТМА БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА ВЕГЕТАТИВ ВА ТИРЕОИД СТАТУСЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib58 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Алимджанов Иброхим Инамович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Шамсиев Фуркат Мухитдинович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Юлдашов Илхом Рузиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «____»_____ куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертацияси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй.Тел./факс: (+99871)-2623314.

Диссертация автореферати 2019 йил «___»_____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___»_____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э. А. Шамансурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби,тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг барчасида нафас олиш аъзолари касалликлари тобора ортиб бормоқда. Бронхиал астма оғир кечиши, беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...бутун дунёда аҳолининг 3% дан кўпроғи (235 млн одам) астмадан азият чекмоқда»[1]. Бошқа маълумотларга кўра, «... бронхиал астма билан дунёда 340 млн киши касаллангандир»[2]. Астма болалар орасида энг кўп тарқалган сурункали касалликдир.«Касаллик 15% ҳолатларда бир ёшгача бўлган даврида, 50% ҳолатларда эрта болалик ёшида, яъни 2-3 ва баъзан 4 ёшли болалар ўртасида кўп учрайди»[3]. Касалликнинг йилдан-йилга сони ортиб бораётгани, болаларни меъёрда ўсиши ва ривожланишига таъсир қилиши, улар орасида эрта ногиронлик келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳонда нафас олиш аъзолари касалликлар этиологиясини аниқлаш, касалликни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бронхиал астмага даҳлдор генетик маркерларни аниқлаш; турли клиник кўринишларида биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари ўзгаришини аниқлаш, болаларда этиологияси ноаниқ бронх ва эндокрин касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш, гипотиреоз ва вегетатив холатлари бирга кечган касалликлар механизмини аниқлаш, даволашда ген инженерлик препаратларни қўллаш ва реабилитация тизимини такомиллаштириш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Бронхиал астмани эрта ташхислаш ва керакли рационал даволаш-профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан болаларда турли касалликларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-

---

[1]WorldHealthOrganizationwebsite, 2014.
[2]GINA, 2017
[3]Балаболкин И.И.Современные подходы к терапии острой бронхиальной астмы у детей. - 2010.

тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»[4] вазифалари белгиланган. Бу борада жумладан болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, эрта болалик даврида нафас олиш тизими касалликларини ташхислаш ва даволашни юқори замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги «Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2650-сон ва 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бронхиал астма Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хулосаларига кўра, болалар орасида энг кўп тарқалган сурункали касалликдир (SurksM.I., 2014). Касалликни ретроспектив таҳлили кўрсатишича, касалликнинг 50% дан кўпроқ дастлабки белгилари болаликнинг эрта ёшида, 15% ҳолларда эса бир ёшгача бўлган болаларда аниқланмоқда. Адабиётларда бронхиал астма касаллиги билан болаларда вегетатив статус ва қалқонсимон без функционал ҳолатини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарли (GergenP. J., 2015).

Бироқ, БА касаллигига ўз вақтида ташхис қўйиш кечикиб, 2,3, баъзан 4 ёшларда қўйилмоқда (Минкаилов Э. К., 2015). Бундай ҳолат амалиёт шифокорларининг БА касаллигини аниқ ташхислаш мезонларини билмасликлари, ушбу ташхисга ота-оналарнинг салбий муносабати ва б. ларга асосланган (Мизерницкий Ю. Л., 2012). Тез-тез касал бўладиган болалар ўртасида бронхиал астмадан 20-40 % болалар азоб чекади (Шамсиев Ф.М., 2008). Бу борада вегетатив асаб тизимининг (ВАТ) функционал ҳолатини ўрганиш алоҳида эътибор талаб қилади (Шамсиев Ф.М., 2003; Хайдарова М. М., 2018). Оғирлик даражаси ўртача бўлган БАли ўсмирларнинг аксариятида вегетатив статус кучайиш даврида симпатикотония, парасимпатик бўлим тонуси меъёрда бўлиши, меъёрий ёки гиперсимпатикотоник турдаги юқори вегетатив реактивлик ва фаолият

---

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стартегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

вегетатив таъминотининг етарли варианти билан характерланади. Бироқ, хозирга қадар буқоқ эндемия ҳудуди бўлмиш Фарғона водийсида истиқомат қиладиган аҳолида турли оғирлик даражасидаги БА бўлганда қалқонсимон без кўрсаткичлари ўзгаришлари қиёсий ўрганилмаган. БА касаллигида қалқонсимон без функцияси ва вегетатив бузилишларини ўзаро алоқада ва ўзаро боғлиқликдаги тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Ҳозирги кунда республикада бронхиал астма асоратларини олдини олиш бўйича тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган. Шу муносабат билан бронхиал астмани эрта ташхислаш, ривожланишига таъсир қилувчи турли омилларни аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бронхиал астма билан касалланган болаларда вегетатив ва тиреоид статусларнинг хусусиятларини аниқлаш ва вегетатив дисфункция ривожланишининг прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда бронхиал астма касаллигининг клиник-анамнестик хусусиятлари, вегетатив ва тиреоид статуслари бузилишининг хавф омилларини аниқлаш;

бронхиал астмали беморларда қалқонсимон без фаолияти ҳолатига боғлиқ холда, касалликнинг клиник кечиш хусусиятини аниқлаш;

бронхиал астма ва гипотиреоз бўлган беморларда касалликнинг оғирлик даражасига хос вегетатив статусини аниқлаш;

бронхиал астма ва гипотиреоз бўлган беморларда вегетатив дисфункция ривожланиш эҳтимоллигини миқдорий баҳолаш учун прогнозлаш харита ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон шахридаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази пульмонология бўлимида даволанган 102 нафар бронхиал астмали беморлар ва 40 нафар 7-14 ёшгача бўлган соғлом болалар олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва зардоби иммунофермент ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бронхиал астмали беморларда гипотиреоз мавжудлиги ва вегетатив реактивликнинг бузилиши ташқи нафас олиш холати бузилишининг чуқурлашувига олиб келиши аниқланган;

бронхиал астма билан касалланган мактаб ёшидаги болаларда қалконсимон без гормонлари миқдори, вегетатив асаб тизими

кўрсаткичлари ва касаллик кечишининг оғирлиги билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

биринчи маротаба вегетатив бошқарув бузилиши аниқланиб, бу эса тинч холатда симпатик бўлим тонусининг пасайиши, шунингдек клинортостатик синама бажарилишида организм вегетатив таъминот фаолиятининг етишмаслиги асосида асимпатикотония кузатилиши аниқланган ;

бронхиал астма оғирлик даражасини башоратлаш учун вегетатив статус бузилишлари ва тиреоид фаолият ўзгаришлари асосида прогностик мезонлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бронхиал астмада вегетатив ва тиреоид статуслар бузилишини башоратлаш учун «Прогнозлаш карта»си ишлаб чиқилган;

беморларда аниқланган биокимёвий ва вегетатив асаб тизими кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқлик, ушбу касаллик асоратларини башоратлаш ва ташҳислаш учун хизмат қилиши исботланган;

бронхиал астмали болаларда вегетатив гомеостаз ва тиреоид фаолият ўзгаришларини эрта ташҳислаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. бронхиал астма билан касалланган болаларда вегетатив ва тиреоид статусларнинг хусусиятларини аниқлаш ва ташхислашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Касалликда гипотиреоз статуси ва вегетатив холати кўрсаткичларининг ўзгариши билан ташқи нафас олиш холати бузилишининг чуқурлашуви, қалқонсимон безнинг катталашуви ва гипотиреоз аломатларининг биокимёвий кўрсаткичлар холатига, қалконсимон без гормонлари миқдори, вегетатив асаб тизими кўрсаткичлари ва касаллик кечишининг оғирлиги билан ўзаро боғлиқлиги ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бронхиал астмада вегетатив ва тиреоид статуслар бузилишини башоратлаш учун «Прогнозлаш харита» сини ишлаб чиқилганлиги, биокимёвий ва вегетатив асаб тизими кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш ва бронхиал астмали болаларда вегетатив гомеостаз ва тиреоид фаолият ўзгаришларини эрта ташҳислаш усулларини такомиллаштирилиши

касалликни эрта ташҳислаш, асоратларини камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бронхиал астма билан касалланган болаларда вегетатив ва тиреоид статуслар хусусиятларини аниқлаш ва ташхислашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Вегетатив ва тиреоид статус фаолиятлари бузилиши ривожланиши хавфини асосли тиббиёт нуқтаи назаридан математик баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 28мартдаги 8н-д/17-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма вегетатив ва тиреоид статус фаолиятлари бузилиши хавфини аниқлаш, ташҳислаш, касаллик кечишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилади;

«Қалқонсимон без фаолияти бузилиши бўлган болаларда бронхиал астма касаллиги клиник кўринишларининг хусусиятлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 28 мартдаги 8 н-д/17-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма қалқонсимон без фаолияти бузилиши бўлган болаларда бронхиал астма касаллиги клиник кўринишларини эрта ташҳислаш, башоратлаш ва келиб чиқадиган асоратларини олдини олишга хизмат қилади;

бронхиал астма билан касалланган болаларда вегетатив ва тиреоид статуслар хусусиятларини аниқлаш ва ташхислашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали ва Андижон вилояти Андижон тумани марказий шифохонаси амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 8 н-з/213-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар тиббий ёрдам сифатини оширади, ташҳислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали касаллик такрорланиш муддатини узайтириш, асоратларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда беморларнинг стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасидаги фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши,чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бронхиал астма билан касалланган болаларда вегетатив ва тиреоид статусларнинг хусусиятларига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида бронхиал астма билан касалланган беморларда даволаш ва ташхислаш муаммоси бўйича илмий маълумотлар синчиклаб таҳлил қилинган, танқидий баҳоланган, умумлаштирилган ва тизимлаштирилган, ечимини талаб этувчи долзарб масалалар ўрганилган. Адабиётлар таҳлили асосида ушбу муаммо бўйича ечилмаган вазифалар аниқланган.

Диссертациянинг «**Бронхиал астмали беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва қўлланган текшириш усулларига таъриф берилган.Тадқиқот 2010 йилдан 2015 йилгача Андижон шахридаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг пульмонология бўлимига тушган 102 нафар бронхиал астма билан касалланган болаларнинг клиник-лаборатор текширишларига асосланган ҳолда олиб борилди. 40 нафар 7-14 ёшгача соғлом болалар Андижон шаҳар №11 сонли мактабда текширилди.

Барча текширилган болалар 2 гуруҳга ажратилди:

1 гуруҳни 48 (33,8%) нафар қалқонсимон без функцияси сақланган бронхиал астма билан касалланган болалар ташкил қилди; 2 гуруҳни – 54 (38,0%) нафар вегетатив ва тиреоид статус бузилишлари бўлган БА касалланган болалар ташкил қилди. Лаборатор маълумотларни текшириш учун айни ёшдаги, ёшига мос жисмоний ва неврологик-психик ривожланишга эга, функционал ва морфофункционал чекинишларсиз 40 нафар деярли соғлом болалар кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, вегетатив ва тиреоид статус бузилишлар билан бирга БА билан касалланиш 10 ёшгача (21,4%, $p<0,05$) бўлган болаларда юқори.

Тадқиқот олиб боришда замонавий, қўшимча клиник, биокимёвий, статистик, шунингдек, махсус сўровномалар анкетасидан фойдаланилди.

Умумклиник текширувлар: анамнез ва касалликни ўрганиш, обьектив кўрув, қон ва сийдик таҳлили, қон биокимёвий таҳлили, инструментал

текширувларни ўз ичига олган. Ташқи нафас функциясини баҳолаш учун спирограф SpirovitSP-1 «Schiller» (Швецария) ёрдамида спирометрия ўтказилди.

Тиреотроп гормон (ТТГ), трийодтиронин (Т3), тироксин (Т4), эркин тироксин (эрк. Т4) концентрацияларини ва тиреоглобулин (ат-ТГ) ва тиреопероксидазага (ат-ТПО) нисбатан аутоантитаначалар ИФА усулида аниқланган, бунда «Т3-ИФА», «Т4-ИФА», «свТ4-ИФА», ТТГ-ИФА», «АТ-ТГ-ИФА», «АТ-ТПО-ИФА» иммунофермент реагентлари тўплами қўлланди. Вегетатив асаб тизимини ўрганиш учун кардиоинтервалография, клиноортостатик синама ва А.М. Вейн махсус саволномаларидан фойдаландик. R-Rнисбий хавфини ҳисоблаш учун «ҳодиса-назорат» усулидан фойдаландик.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Microsoft Office Excel - 2012 дастурий пакетида, киритилган статистик қайта ишлаш функцияси ёрдамида статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг **«Болаларда вегетатив ва тиреоид статус бузилишлари билан кечган бронхиал астманинг тавсифи ва клиник хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида бронхиал астма билан касалланган болаларда вегетатив ва тиреоид статус бузилишларининг юзага чиқиш ҳавфи омилларини ўрганиш мақсадида биз клиник-анамнестик маълумотларнинг таҳлилини ўтказдик.

Анамнез изланишлари 9 (18,8%) нафар 1 гуруҳ ва 13 (24,1%) нафар 2 гуруҳ болаларнинг оналарида асоратланган ҳомиладорлик кечганлиги кузатилган. Ҳомиладорлик вақтида юқумли касалликлар, жумладан ЎРВИ 21 (43,8%) нафар 1-гуруҳ ва 36 (66,7%) нафар 2-гуруҳ болаларнинг оналарида кузатилган (P<0,001). 1-гуруҳ болаларда преэклампсияли оналар сони назорат гуруҳига қараганда 4 баробар, 2-гуруҳ оналарида эса 6 баробар юқори бўлган, бу эса ривожланиш хавфига преэклампсия таъсиридан далолат беради, бу таъсир айниқса гипотиреоз фонидаги бронхиал астмада сезиларли даражада кўпроқ (P<0,01).

1-гуруҳ болаларида аллергик ирсият иккала (ота ва она) тарафдан 12 (25,0%) нафар ҳолатда оғирлашганганлиги аниқланган, шундан она тарафдан 15 (31,3%) нафар, ота тарафдан 11 (22,9%) нафар, 2-гуруҳ болаларида аллергик ирсият 15 (27,8%) нафар ҳолатда иккала (ота ва она) тарафдан оғирлашганганлиги кузатилган, шундан она тарафдан 17 (31,5%) нафар, ота тарафдан 14 (25,9%) нафар. Бу иккала гуруҳнинг ҳам ота-оналарида аллергик мойиллик борлигини билдиради. Айни пайтда, бола организмининг аллергик мойиллиги, қалконсимон без фаолияти ва вегетатив асаб тизими бузилишининг хавф омили ҳисобланади. 2-гуруҳ болаларининг аксариятида - 26 (48,1%) БА билан биргаликда аллергик ринит (P<0,01) аниқланган, бу 1-гуруҳ болаларига нисбатан 2,4 марта кўп, аллергик риносинусит 2-гуруҳ болаларида 1-гуруҳдаги болаларга нисбатан 2,5 марта кўп учраган. Ларинготрахеит 1-гуруҳда 2 (4,2%) нафар ва 2-гурухда 4 (7,4%) нафар ҳолатларда кузатилган. Бу ўз-ўзидан оғир касаллик, бу бола ҳолатини жудаям оғирлаштиради, 1 та ҳолатда ўлимга олиб келган.

Бронхиал астманинг ўрта оғир кечишидаги барча болаларда астма хуружлари кундузи ва кечки вақт 2-3 ҳафта оралиғи билан бўлган, 30 минутдан 2 соатгача давом этган; барча беморларда сутка давомида қайта хуружлар кузатилиши мумкин эди. Хуруж вақтида уларда астматик хуруж тасвири умумий ҳолатнинг бузилиши билан кузатилган. Кузатувдаги 2-гуруҳ беморларида астма хуружлари ҳафтасига 2-3 марта ва ундан ортиқ, тахминан бир хил интервал билан кундузи ва кечки вақтда кузатилган, 3 соатдан 6 соатгача ва ортиқ давом этган; бу гуруҳнинг барча беморларида сутка ичида бир неча бор хуружларнинг қайталаниши кузатилган. Беморлар хуруж вақтида мажбурий ҳолатни қабул қилишган, ўтирган ҳолатда, кўкрак қафасини фиксация қилишган, қўрқув ҳис қилишган. Уларда шовқинли хуштакли нафас, чўзилган ва қийинлашган нафас чиқариш, нафас актида ёрдамчи мускулларнинг фаол иштироки, кўкрак қафасининг шиши, терининг оқариши, лаб-бурун учбурчаги, бурун қанотлари, бармоқ учлари, қулоқ чиғаноқлари цианози, юзида ва бошнинг сочли қисмларида совуқ тер аниқланган. Касалликларнинг мавсумийлиги, хуружлар кўпроқ қишки, кузги, куз-қишки мавсумларда юзага келиши кузатилган. Ташқи муҳит (иқлим хусусиятлари) ҳамда мавсумийлик ва экологик омиллар БА патогенезида етакчи ўрин тутади.Ўтказилган таҳлил натижасида, юқорида кўрсатилган омиллар БА ривожланиши учун шароит яратишини исботладик. Уларга: ЎРВИ, аллергик касалликлар ва мавсумийлик киради. Объектив текширилганда 10 (20,8%) нафар 1-гуруҳ ва 48 (88,9%) нафар – 2-гуруҳ касалларида шу органнинг I-II даража гиперплазияси, гипер- ёки гипотония белгилари 2-гурухда 31,5% ҳолатларда аниқланган.

Юқорида кўрсатилганлар тиреоид статуси бузилган болаларда аллергик касалликлар кўпроқ учрашидан далолат беради. ҚБ функцияси баҳоси кўрсатишича, қалқонсимон без катталашиши 98,1% ҳолатларда 2-гуруҳда кузатилган. Барчада гипотиреоз белгилари бўлган. Енгил даража 2-гуруҳдаги 4 (7,5%), ўрта даража – 7 (13%), оғир кўриниш – 43 (79,6%) нафар беморда қайд этилган (1-жадвал).

1-жадвал

Беморлардаги сақланган ва пасайган тиреоид функция кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат гу-руҳи, n=40	1-гуруҳ,n=48	2-гуруҳ, n=54
Трийодтиронин (T_3) нмоль/л	1,41±0,07	1,24±0,13	0,83±0,09***♦♦
Тироксин (T_4), нмоль/л	71,00±1,85	67,90±2,29	33,91±0,56***♦♦♦
Тиреотроп гормон (ТТГ), мкМЕ/мл	4,38±0,09	4,74±0,21	7,34±0,11***♦♦♦
ТТГ/Тз	2,38±0,054	3,82±0,25***	8,84±0,54***♦♦♦
ТТГ/T_4	0,0420±0,0003	0,069±0,002***	0,217±0,009***♦♦♦

Изоҳ: - назорат гуруҳига нисбатан фарқлар белгиланиши (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001); 1 гуруҳига нисбатан фарқлар белгиланиши (♦ - P<0,05, ♦♦ - P<0,01, ♦♦♦- P<0,001)

1-гуруҳдаги беморларда трийодтиронин миқдори назорат гуруҳи маълумотларига қараганда 12,1% га пасайган (P>0,05), 2-гуруҳ беморларида эса - 41,1% га; 1-гуруҳ болаларида тироксин миқдори озгина пасайган – назорат гуруҳидагига қараганда 4,4% га, 2-гуруҳда эса - 52,2% га (P<0,001). ҚБ гормонал функцияси кескин йўқолиши нафас олиш механикаси ва физиологиясига таъсир қилади. Масалан, тиреоид гормонлар миқдорининг пасайиши кислородга метаболик эҳтиёж камайишига ва ўпка гиповентиляцияси ривожланиши, чап қоринчадаги босим ошиши, респиратор мускуллар ва ўпка ремоделяцияси, гематокрит ортиши, нафас олиш назоратида иштирок этадиган мия участкаларидаги нейротрансмиттерлар (серотонин, гистамин) ўзгариши (Е.В. Евсюкова, 2016; D. Adriaensen et al, 2016).

Кўрсатилган ўз изланишлар натижаларига кўра, гипотиреоз ташқи нафас олишнинг барча кўрсаткичларини сезиларли даражада пасайтириб, вентиляцион етишмовчиликни келтириб чиқарган. Спирометрия маълумотларига кўра, ўпканинг жадал ҳаётий сиғими (ЎЖҲС), биринчи сонияда жадал нафас чиқариш ҳажми (ЖНЧҲ) ва ЖНЧҲ/ЎЖҲС нисбати 2-гуруҳдаги беморларда 1-гуруҳдаги болаларга қараганда паст бўлган, ваҳоланки фарқланишлар ҳар доим ҳам ишончли бўлавермаган (2-жадвал).

Бронхлардан ўтиш бузилишлари БА бўлган болаларда клиник манзара оғирлигини келтириб чиқарди, БА бўлган барча болалар чарчоқдан шикоят қилган, дармонсизлик ва уйқусираш 2-гуруҳ болаларида кўпроқ кузатилган: 35 (64,8%) га 1 (2,1%) (P<0,001). 2-гуруҳ болаларда жиззакилик, безовталик ва уйқунинг бузилиши (50,0%), хотира сусайиши кузатилган (46,3%).

2-жадвал

Бронхиал астма бўлган болаларда флоуметрик кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	КГ	2-гуруҳ n=54	1-гуруҳn=48
ФЎТС	104,20±0,84	77,26±1,04	75,68±1,43
ЖНЧҲ$_1$	104,10±0,77	67,08±1,35*	72,89±1,97*
НЧЮТ	105,30±1,07	60,44±1,71***	68,15 ±1,81***♦
МОС$_{25}$	107,20± 1,21	56,17±1,77***	64,47±1,94***♦♦
МОС$_{50}$	106,90±1,29	52,69±1,73***	68,12±1,21 ***♦♦
СМОС$_{75}$	106,00±1,39	53,80±1,23***	61,64 ±1,43***♦♦♦
СМОС$_{75-75}$	110,30± 1,35	57,46±1,68***	64,68±1,67***♦♦♦
СМОС$_{75-85}$	110,10±2,31	49,10±1,58***	58,89±1,00***♦♦♦

Изоҳ: *- назорат гуруҳи маълумотларига қараганда фарқлар аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001); *- 1-гуруҳ маълумотларига қараганда фарқлар аҳамиятли (♦ - P<0,05, ♦♦ - P<0,01, ♦♦♦- P<0,001).

2-гуруҳ болаларида юрак қон-томир тизимидаги ўзгаришлар 17,1% ҳолатда юрак чўққисида, 12,0% ҳолатда Боткин-Эрба нуқтасида систолик шовқин пайдо бўлиши, юрак чўққисида тоннинг кучсизланиши - 8,7%, аортада - 15,7% ва ўпка артериясида - 11,4% ҳолатда бирмунча кўтарилиши, юрак чегарасининг перкутор кенгайиши - 21,4%, миокард тоноген дилатация - 17,1% билан характерланади. ЭКГ ўзгаришлари Р тишча ва QRS комплекси амплитудасининг ортиши, ритм бошқарувчиси миграцияси, қоринча ичи ўтказувчи йўллари бузилиши ва реполяризация жараёнларининг юқори даражада бузилиши кабиларни ўз ичига олади.

ВАТ ҳолати таҳлили кўрсатишича, БА бўлган болаларнинг 2-гуруҳидаги болалар гипотоник турдан кўра, гипертоник турдаги қон-томир дистонияга кўпроқ мойил. Бу адабиётлардаги маълумотларга ҳам мос: мактаб ёшидаги ҚБ гипофункцияси бўлган болаларда артериал гипертензия частотаси ортиши Л.Н. Самсонова ишларида қайд этилган (2007). Маълумки, гипотиреоз бўлган беморлар қонида ренин фаоллиги ва альдестерон миқдорининг юқорилиги бироз пасайган, ҚБ гипофункциясининг кўплаб махсус клиник белгилари асоси касаллик белгилари билан аралашиб кетади. Педиатр ва умумий амалиёт шифокорларининг долзарб муаммоларидан бири асимптоматик гипотироксинемия босқичида минимал тиреоид етишмовчилигини аниқлаш бўлиб, бу қалқонсимон без ҳажмининг ўзгаришларисиз содир бўлади (Шилин Д.Е., 2012). ТТГ миқдорининг 2 мкМЕ/мл дан ошиши универсал индикатор бўлиб, минимал тиреоид етишмовчилиги бўлган болаларни саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли хавф гуруҳидаги болалар тоифасиги киритиш учун асос бўла олади (Касаткина Э.П., 2009, 2017; Asvold B.0., 2007).

Шу тариқа, маълумотларимизга кўра, ҚБ функционал фаоллиги пасайиши фонида кечаётган болалар бронхиал астмаси оғир кечиши, қон айланиш тизими иштироки, ташқи нафас функцияси параметрларининг кескин бузилишлари билан характерланади. Қалқонсимон безнинг функционал ҳолати пасайиши болаларда бронхиал астманинг кечишини оғирлашуви ва ёмонлашувида катта роль ўйнайди.

Диссертациянинг **«Вегетатив асаб тизими ва қалқонсимон без дисфункциясининг болаларда бронхиал астма кечишига таъсири»** деб номланган тўртинчи бобида БА бўлган болаларнинг тиреоид ва вегетатив статусларни ўрганиш ва ушбу асоратлар ривожланишининг прогностик картани тузишга бағишланган.

Бронхиал астма устида олиб борилган илмий изланишлардан маълум бўлишича, ушбу касалликнинг турлича оғирлик даражада кечишида тиреоид функция кўрсаткичларининг ўзгаришларини солиштирма тадқиқотлари олиб борилмаган бўлиб, биз ўз ишимизда эндемик бўқоқ ҳудуд саналган Ўзбекистоннинг Фарғона водийсида яшовчи инсонларда текширувлар олиб бориш катта аҳамиятга эга саналади. Бошқа томондан, ҚБ гормонлари респиратор тизимга жиддий таъсир ўтказади. ҚБ

гормонларини нафас тизимига таъсири шаклланиши ҳомила ривожланиши даврида таъсир ўтказишни бошлайди. Нафас олиш тизими шаклланишини таъминлайдиган ҳомила варағидан ҚБ нинг асосий қисми ҳам шаклланади. Унинг гормонлари сурфактант ишлаб чиқилишида ва рецепторлар синтезида иштирок этади (Фридман И.Л., 2010).

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, ҚБнинг функционал ҳолати ва БАнинг кечиш даражаси ўзаро боғлиқ. Енгил ва ўрта оғир даражаларда кечган БА билан касалланган беморларда трийодтиронин ва тироксин гормонлари концентрациясини пасайиши сезиларли даражада эмаслиги аниқланди (1-гуруҳ). БА да, мослашув эндокрин механизмлар мавжудлиги, T_4 даражасининг пасайиши, шубҳасиз, доимий такрорланувчи зиддиятли ситуацияларда, симпатоадренал тизим фаоллигининг ортиши билан T_4 ни анча фаол бўлган шакли T_3 га интенсив айланиши натижаси ҳисобланади. Оғир астма қайталаниш даврида, ТТГ/T_3 коэффициенти ошиши асосида, ТТГ нинг юқори даражада ортиши ва T_4 ($P<0,001$) пасайиши БА оғир даражаси билан беморларда қалқонсимон без гормонларининг яққол етишмаслигидан дарак беради.

Бронхиал астма касаллиги билан болаларда вегетатив гомеостазни ўрганиш бошланғич вегетатив тонус (БВТ), вегетатив реактивлик (ВР) ва вегетатив таъминланиш фаолиятини ўз ичига олади.

Бошланғич вегетатив тонусни баҳолашда симпатик ва парасимпатик ўзаро боғлиқликни аниқлаш учун мослаштирилган А.М. Вейннинг ташхисий жадвалидан фойдаланилди (Лебеденко А.А., 2011).

1-расмда кўрсатишича 1-гурух беморларда симпатовагус мувозанат ВАТнинг симпатик қисми тинч турган пайтда симпатикотония (37,5%) ёки гиперсимпатикотония (25,0%) кўринишида бўлиб, назорат гурухи билан солиштирганимизда (20,8%) ни ташкил этади (1-расм.).



1-расм.Текширилган болаларда бошланғич вегетатив тонус характеристикаси

Вегетатив ва тиреоид статус бузилишлари билан ва калқонсимон без функцияси сақланган беморларда эйтоник мувозанат бир хил даражада бўлган. 1-гуруҳ беморларда гиперсимпатикотония даражаси симпатикотония даражасидан паст бўлган (Лебеденко А.А., 2011).



2-расм.Текширилган болаларда вегетатив реактивлик характеристикаси

1-гуруҳдаги БА билан касалланган беморларда ортостазда ВНТ симпатик ва парасимпатик бўлимларнинг мувозанати 2 марта камайди.

Бу холатда кўрсаткичлар дезадаптацияси кузатилиб, бунда БА қўзғалганда, гипоксияга нисбатан мослашувчанлик реакцияси сифатида нейрогуморал фаоллик ортиши билан характерланади.

Вегетатив ва тиреоид статус бузилишлари билан болаларда ортостатик номутаносиблик, артериал гипотензия ва асимпатикотониянинг кўп бўлиши кузатилди.

Вегетатив ва тиреоид статус бузилишлари билан болаларда вегетатив реактивликнинг нормо ва гиперсимпатикотоник вариантлари парасимпатик тонус сусайиши ва вегетатив таъминланишнинг назорат гуруҳига нисбатан 2,1 марта пасайиши билан боради.

Вегетатив ва тиреоид статус бузилишлари билан болаларда вегетатив асаб тизимининг вегетатив таъминланиш фаолиятини етишмовчилиги натижасида организм мослашув имкониятларининг пасайиши тикланиш даврининг узайишига олиб келади.

Бунда реактивлик асимпатикотоник варианти билан вегетатив таъминланиш фаолияти етишмовчилигининг қўшилиб кетиши, қалқонсимон без фаолияти сақланган болаларга нисбатан 4,2 маротаба кўпроқ учрайди.

Юрак ритми ички структурасини ўрганиш натижасида текширувга олган БА билан касалланган беморларимизда бошланғич вегетатив тонус (3- жадвалда) шуни кўрсатдики, юрак ритмидаги бу ўзгариш соғлом одамларникидан фарқ қилади. Беморларда бошланғич эйтонияда Мо (P<0,01), ΔХ (P<0,01) пасайиши, ВРК ва КИI кўрсаткичларининг ортиши (P<0,05) кузатилади. Маълумки, бошланғич эйтония юрак ритмига адренергик (АМо) ва холинергик (ΔХ) мувозанат орасидаги таъсир тенглигида кузатилади. Бироқ, бошланғич эйтонияда бу мувозанатнинг бузилишига гуморал контур бошқарувининг ортиши (Мо ортиши), асаб назорати фаоллигининг пасайиши (АМо пасайиши) сабаб бўлади, натижада АМо/ΔХ ва АМо/Мо (P<0,05) ларнинг ўзаро муносабатлари пасаяди.

Юрак ритми гуморал контуридаги бу силжиш, ВНТ нинг парасимпатик бўлими фаоллигининг пасайиши (ΔХ; P<0,01) ва юрак ритмини бошқарилиш жараёнида компенсатор кучланишлар (ВРК ва ИНI; P<0,05 ортиши) асосида келиб чиқади.

БА билан касалланган беморларда бошланғич ваготония юрак ритми кўрсаткичларидан (ΔХ, ВПР, ИНI, АМо/Мо) соғлом болалар билан солиштирилганида кераклича фарқ қилиши (ΔХ=0,395±0,020сек; ВРК=3,45±0,12 шарт.бирл; КИI=24,8±1,49 шарт.бирл.; АМо/Мо=18,8±2,48) аниқланмади (P>0,05).

3-жадвал

Бронхиал астма билан касалланган текширувга олинган 2-гуруҳдаги болаларда юрак ритмини бошланғич вегетатив тонусга боғлиқлиги

Юрак ритми кўрсаткичлари	Эйтония n = 12	Ваготония n = 17	Симпатикотония n = 25
Мо, сек.,	0,627±0,008	0,655±0,012	0,546±0,005
АМо,%	14,80±0,22	11,49±0,11***	32,16±0,64***
ΔХ, сек.,	0,215±0,001	0,378±0,002***	0,093±0,004***
ВРК., усл.ед.	8,39±0,22	4,15±0,05***	22,91±0,76***
КИI., усл.ед.	60,42±1,72	21,41±0,78***	374,8±14,90***
АМо/ ΔХ	75,09±2,02	311,0±0,74***	388,7±14,19***
АМо/ Мо	24,10±0,66	17,88±0,52***	60,30±1,18***

Изоҳ: - эйтониянинг нисбий фарқ кўрсаткичлари (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

Текширувга олинган гуруҳдаги беморларда юрак циклининг зичланиши кузатилди (Мо, P<0,001), АМо (P<0,05) аҳамиятининг пасайиши ва АМо/ΔХ га P<0,05) нисбати, соғлом болалар билан солиштирилганида Мо=0,755± 0,02 сек; АМо=14,30±1,02%; АМо/ΔХ=39,8±4,38) га тенг бўлиши аниқланди. Бу маълумотлар

бошланғич эйтонияга аналогик бўлиб, марказнинг юрак ритмига пасайиши фонида, гуморал контурнинг кучайиши кўрилди.
Бошланғич симпатикотонияли беморларда давомли гуморал контур кучайиши кузатилди (P<0,001), ўз навбатида ΔX (P<0,01) нинг кўрсаткичлари пасайиши ва ВРК ва КИI (P<0,01) кўрсаткичлари соғлом болалар билан (Мо=0,607±0,06 сек; ΔX=0,16±0,05 сек; ВРК=11,3±0,43 шарт.бирл; КИI=179,70±7,05 шарт.бирл) солиштирилганида сезиларли ортиши намоён бўлди. Бундан шу нарсани англаш мумкинки, ВРК, КИI ни ортиши фонида, ΔX кўрсаткичларини (0,093±0,004) сек. энг паст кўрсаткичигача камайиши, қон айланиш бошқарилишининг сифати ёмонлашуви ва зўриқиши чегараси ҳолати ҳақида маълумот бериб, юрак ритми бошқарилишида “ҳалокатли” фаза вужудга келганлигини билдиради. АМо/Мо (P<0,05) ва АМо/ΔX (P<0,01) ни соғлом болалар билан солиштирилганида муносабатининг ортиши (50,3±2,14 и 28,2±3,1 тегишлича) ВНТнинг парасимпатик бўлимини компенсатор имкониятларини сусайиши ва юрак ритми бошқарилишида марказланма даражасининг ортиб, марказий (нерв) контурини сезиларли кучайишидан далолат беради.

Шундай қилиб, БА билан касалланган беморларда юрак ритми бошқарилиши бошланғич вегетатив тонусга боғлиқ ҳолда амалга ошади. Бошланғич эй- ва ваготонияларда юрак ритмида нохуш ўзгаришлар юрак ритмини кучайиши, кам мослашган регулятор жараёнлар - юрак ритми шаклланишида нерв жараёнларини таъсири камайиши фонида, гуморал контур таъсири кучайиши билан боради.

Бошланғич симпатикотонияда беморларда эй- ва ваготониялардан фарқ қилиб, ВНТни парасимпатик бўлимининг сусайиши, юрак ритми асаб контур регуляциясининг етарлича кучайиши билан бориб, бу юрак ритми шаклланишида ва таъминланишида организм компенсатор имкониятларида “ҳалокат” босқичи ривожланганидан дарак беради. Бошланғич вегетатив тонусни кучланиш индекси (КИ) ни назарга тутган ҳолда баҳолашда организмнинг нисбий тинчлик шароитида ҳамиша ҳам вегетатив тонуснинг ҳақиқий ҳолати ифодаланавермайди ва бизга 4 жадвалда тасвирланган ортостаз (КИГ) да вегетатив тонусни ўзгаришларини кўрсатиб беради. БАга чалинган беморлар ҳолатини, бошланғич вегетатив тонус – эйтония (КИ1=30,0-90,0 шарт.бирл.) ва ваготония (КИ1<30,0 шарт.бирл.) организм нисбий тинчлик пайтида ВАТнинг парасимпатик бўлимини хаддан ташқари кучайиши сабаб ушлаб турилади. Бу эса, БА га чалинган беморларнинг ½ қисмида бошланғич эй- ва ваготониялар дистоник характерга эгалигини кўрсатади.

БА билан касалланган беморларда ортопробада ΔX ва Мо (ЮҚС тез-лашади) АМо, ВРК, КИ2 ва АМо, Мо ва ΔX (P<0,05-0,001) лар ортиб боради. Бунда беморларда симпатикотонияга нисбатан, бошланғич эй- ва

ваготонияларнинг кучли силжиши, бошланғич аҳамиятга эга эканлиги шундаки: қанча бошланғич даражадаги иш фаолият паст бўлса, шунча кўп силжийди. Бу шу билан тасдиқланадики, симпатикотонияга нисбатан (2,47±0,08), КИ2/КИ1ни эйтонияда (6,32±0,59; P<0,01) ва ваготония (7,42± 0,57; P<0,001) даги муносабатларда кучли ифодаланиши тасдиғини топади.

БА билан касалланган беморларнинг юрак ритми кўрсаткичларининг дастлабки вегетатив тонусга нисбатан ўзгаришлар даражаси 4-жадвалда келтирилган.

Шундай қилиб, БА бўлган беморларда вегетатив реактивлиги томонидан 56,1% ҳолларда гиперсимпатикотоник реакция билан характерланади. Бу болаларда гиперсимпатикотоник реакциялар (39,09±1,64 шарт.бирл; P<0,01), КИ2 (804,2±38,2 ш.б.; P<0,001) паст ифодаланган компенсатор парасимпатик реакциялар - ΔХ (-23,5% бошланғичдан) паст заҳираси, бошланғич эй- (-41,2%; P<0,01) ва ваготониялар (-69,6%; P<0,001) билан кечган болаларда солиштирилганида, ВРК ортиши хисобига амалга ошиши маълум бўлди.

